O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 3 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 35 (7230)

Da'vat

Агар сен керагидан ортиқроқ билмасанг, унда ҳеч қачон керагича билмайсан.

Уильям БЛЕЙК

Ibrat

Шовот туманидаги 38-мактаб учун барча шароитларга эга бўлган 420 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Деҳли, 2 май. ЎзА махсус мухбири Беҳзод Усмон хабар қилади: Эрталаб «Раштрапати Бхаван» майдонида давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Майдонда мамлакатимиз раҳбарини Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан ва Бош вазир Атал Биҳари Важпаи қарши олди. Ислом Каримов махсус шоҳсупага кўтарилгач, икки давлат мадҳиялари янгради. Президент фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Ҳиндистон билан барча соҳаларда, энг аввало, хавфсизлик борасида ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Маҳатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

«Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ислом Каримов Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Ҳайдаробод» саройида эса Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан учрашди. Яккама-якка суҳбат давомида давлатлараро муносабатларнинг асосий тамойиллари хусусида фикр алмашилди. Шундан сўнг музокаралар Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат делегациялари аъзолари иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

Учрашувлар якунида дўстона алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинди. Ислом Каримов ва Атал Биҳари Важпаи Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, жиноят-қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар, ҳукуматлараро кредит битими, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим соҳасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум, маданият соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашуви ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протоколлар, божхона органларининг ўзаро ёрдами ҳақидаги битим, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Ҳиндистоннинг «Пресс Траст оф Индиа» ахборот маҳкамаси ўртасида касбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оқшом «Ҳайдаробод» саройида Ҳиндистон Бош вазири номидан Президент Ислом Каримов шарафига қабул маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Айни пайтда таълим жараёнида дарснинг ноанъанавий усулларидан кенг қўлланилмоқда. Бундай дарсларда айниқса, бошланғич синф ўқувчилари ўзларини эркин ҳис қилишиб, билимларни ўзлаштиришда фаол қатнашмоқдалар.

Суратда: Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаффорова 1-синф ўқувчиларига она тилидан сабоқ бермоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Зарурий ёрдам кўрсатилди
2-бет

Бир умрлик роҳат истасанг...
3-бет

Ижодкор ўқитувчилар мушоираси
4-бет

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

• Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислоҳотларнинг боришини таҳлил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон-Япония ўртасидаги иқтисодий алоқалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

• Косово албанлари Сербия қамоқхоналарида сақланаётган ватандошларининг озод қилинишини талаб қилиб норозилик намойиши ўтказди.

• Арманистон парламенти Президент Роберт Кочарянга лавозимидан бўшатиш мақсадида импичмент эълон қилмоқчи.

• Сидней олимпиадаси хавфсизлик хизмати вакиллари халқаро террорчи Усома бин Ладеннинг одамлари мусобақаларнинг тинч ўтишига раҳна солиш мақсадида ҳозирдан Австралияга келиб ўрнашгани ҳақида тахмин билдирди.

• Ҳиндистоннинг ўқ-дорилар сақланадиган омборхоналаридан бирида содир бўлган ёнғин туфайли 8 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар тан жароҳати олишди.

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Жуманазар БЕКНАЗАР

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

ПРОЛАКТИННИНГ СЕҲРЛИ ХОСИЯТИ

Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминлар, оқсиллар, гормонлар ва яна бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносибликдаки, шу туфайли бу моддалар бола меъда-ичак тизимидан бенуқсон ва ўз қиёмига етган ҳолда сўрилиб, ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сути таркибида ПРОЛАКТИН гормони бор. Бу модда ҳомиладорлик бошланган пайтдан бошлаб она организмида кўпая бошлайди ва бола туғилган пайтда энг кўп миқдорда бўлади. Худди шу ўта фаол модда она сути билан биргаликда бола организмига ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини, оналик сезгисининг пайдо бўлишини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Мабодо қизалоқ организми мана шу модда билан тўйинмаса ёки кам миқдорда ўтса, худди мана шу қизалоқнинг келажакдаги қизи бепушт ёки унда ҳомиладорлик жуда катта қийинчиликлар ва кўп марта махсус даволашлар эвазига бўлади. Она сутидан, ундаги ПРОЛАКТИНдан бебаҳра бўлган қизларда она бўлганларида ўзининг она бўлганлигини ҳис қилиб қувониш, боласига меҳрибонлик, уни асраб-авайлаш каби хусусиятлар мутлақо ривожланмайди ёки ўта кам бўлади. Уларда оналик завқи деярли йўқ.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонида.)

Мана шу оналарнинг қизларида эса онага хос бўлган хусусиятларнинг куртаги ҳам топилмасдан, улар эркаксифат характерига эгалиги билан ажралиб турадилар. Чақалоқларнинг ахлат қутисига ташлаб кетилиши, боласини ўз қўли билан бўғиб ўлдиришлар, боласидан воз кечиш ҳолларининг асл сабаби худди мана шу ердадир! Боласини сутидан эрта ажратишга мажбур бўлган она организмида ҳам гормонлар мувозанати бузилиб, у ёки бу салбий вужудга келиши ҳам табиий. Демак, она бўлишни юксак орзу деб билиб, соғлом ақлли ва жисмонан баркамол фарзандни дунёга келтириш учун ҳар томонлама қайғурадиган ва бунинг учун ўзини маънавий ҳамда маърифий сифатларини юксалтираверадиган хислатларга эга онани шакллантириш худди шу она сутидан, тўғрироғи она сути таркибидаги ПРОЛАКТИНдан бошланади.

Ўғил болага ҳомиладор она организмида пролактиннинг кимёвий тузилиши, сифат ва хусусиятлари сал бошқача бўлганлигидан, унинг ўғил бола организмига кўрсатадиган таъсири ҳам тамомила ўзгача бўлади.

... Ўзини "Мана мен!" деб юрган полвон йигит узоқ бир қўшни қишлоқ полвонидан йиқилибди. Иккинчи сафарги тўйда ҳам худди шу полвондан йиқилганида йигитнинг отаси ориятига чидай олмасдан ўғлини кўп уришибди. Сўнгра бошидан дўпписини олиб, балки бунга ўзим айбдордирман, балки курашнинг нозик жиҳатларини чидам билан ўғлимга ўргатмагандирман, дея фикр юритибди. Шундан сўнг ўғлига яна бир йил ўзи билан, ўғли билмаган кураш сирларини чидам ва сабот билан ўргатибди, жисмонан роса тарбиялабди. Тўйлар бошланишини орзиқиб кутибди. Энди у ўғлининг соф ғалабасига чин дилдан ишонар экан-да!

Фалакнинг гардиши айланиб, қўшни қишлоқда катта тўй бўлибди. Кураш тугай-тугай деб қолганда энг катта соврин эълон қилиниб, даврага ота ўғли рақиби чиқибди. Ота ҳам худди шуни кутиб турган экан, оҳ-оҳ, ана энди ўғлим уни йиқитиб, аввалги йиқилганларининг аламини олади, деб жуда хурсандмиш. Аммо бунинг тескариси бўлибди: ота ўғил биринчи қўл олишишдаёқ, қоқма чилнинг зарбидан нақ отасининг олдида товонлари ёрилиб кетгудай бўлиб ерга елкаси билан қапишибди. Ота "Оҳ!" деб юборибди. Ота шундай кучли ўғлининг йиқилиш сабабини била олмай, хуноб бўлиб, шу йигитнинг отасини бир кўрай, обдон гаплашай, дея сўраб-суриштириб, полвон йигитнинг уйини топибди. Секин эшикни очиб, салом бериб разм солса, тоғдай бўлиб йигитнинг онаси ўлтирганмиш. Бир сийнасини орқага ташлаб, бир сийнасини букилган тиззаси устига қўйиб, 2-2,5 ёшга кирган эгизак болаларини эмизаётган экан. "Бундай онанинг сутини эмган полвонни йиқитиш асло мумкин эмас!" дебдию, ҳеч нарса деолмасдан ота орқасига қайтибди.

ЎЗИЛГАН РИШТА

Ҳа, она сутидан пролактин орқали ўғил болага жасурлик, мардлик, куч ва чаққонлик каби сифатлар берилади.

Америкалик машҳур болалар шифокори Спок болаларни чақалоқликдан мустақилликка ўргатиш мақсадида уни туғилган заҳотиёқ онасидан айириш, фақат бир неча кундан кейингина она бағрига бериш, сўнгра фақат аниқ бир вақт оралиғидан кейин эмизиш, болани она қўлига ортиқча бермаслик ва шу тариқа болада шартли рефлекс ҳосил қилиб тарбиялаш усулини таклиф қилди. Спокнинг машҳурлиги шунчалик эдики, бу усул деярли бутун дунё болалар врачлари томонидан ҳеч иккиланилмасдан қабул қилинди ва тезда, ёппасига амалиётга жорий этилди. Мана шу тариқа тарбияланган болаларнинг бир неча авлоди етишди ва болани онадан, тўғрироғи она сутидан ажратиш усули ўз ҳосилини бера бошлади. Шу усул жорий этилмаган аввалги йилларга қарагандa руҳий мувозанати бузилган, раҳмсиз, баджаҳл, агрессив, ўзгаларни жисмоний эзишдан баҳра оладиган, лаззатланадиган, умуман ҳайвоний сифатлари, ота-онасига бегона бўлиб қолиш ҳоллари устун инсонлар сони 4-5 баравар кўпайганлиги қайд этилди. Натижада она сутидан айрилган болалар ўртасида жиноятчилик шу даражада кучайиб кетдики, ҳатто баъзи бир давлатларда, жумладан МДҲ мамлакатларининг бирида (Россия) меҳнат қилиш лаёқатига эга йигитларнинг ҳар 10 тасидан 3 таси қамоқхоналарга жойлаштирилди ва қамоқхонада «тарбияланаётган»ларнинг сони бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Чунки бу мамлакатда Спок усули биринчилардан бўлиб қўлланган ва у зўр бериб тарғиб қилинган эди. Ҳа, бу болани онадан ҳам руҳий, ҳам жисмоний ажратишнинг маҳсули эди!

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёғи дафтарига

ЎЗАРО ЎХШАШЛИК

Сиэтл шаҳридаги саратон хасталигини тадқиқ этиш маркази олимлари инсондаги ва хамиртурушдаги тўқималарнинг ўсиш жараёнини назорат этиб турувчи оқсилларнинг тузилиши кўп жиҳатдан бир-бирига яқин эканлигини аниқлашди. Олимларнинг таъкидлашларича, мазкур яқинлик хавфли ўсмаларни барвақт аниқлашнинг ўта сезгир технологиясини яратиш имконини беради.

ТАШХИСНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Америкалик олим Роберт Лонгер қон ҳолатини аниқлашнинг оғриқсиз усулини кашф этди. Унга кўра, томирдан қон олиш шарт эмас, ультратовуш ёрдамида тери орқали митти ҳужайра олинса, бас. Ушбу ҳужайралар катта ҳажмдаги қонда жамланган ахборотни бера олади.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЎРНАК

Швед мактабларидан бирига кўринишидан 15 яшар ўсмирнинг ўзгинаси бўлган робот келтирилди. Ўқитувчилар ундан кўргазмали қурол сифатида фойдаланишмоқда. Сигарета чекишга мослаштирилган робот шаффоф "ўпка"сига йиғилаётган тутун орқали никотиннинг ҳалокатли таъсирини намойиш этади.

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛАДИМИ?

Сайёрамизнинг келгуси иқлими хусусида олимлар турлича фаразларни илгари суришмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар фикрича, 2050 йилга бориб, ер юзида ҳарорат 2 даражадан 5 даражагача кўтарилади. Натижада асрий музликлар эриб, кейинги аср охирида денгиз сатҳининг ҳам 2 метрга кўтарилиши кутилади.

Fikr

ЭРКИНЛИК РУҲИ БОЛАЛИКДА СИНГАДИ

Бобомнинг қўлидан ушлаб қишлоғимизнинг кўчаларини сайр қилганларим ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Ушбу сайрларнинг мени энг кўкларга кўтарган ва ҳалигача руҳимга мадад бўлган томони шунда эдики, бу сайрлар пайтида бобом билан учрашган у кишининг таниш-билишлари, (бобом қишлоғимизда ўта баобрў одам эди), мен билан ҳам худди катталар билан кўришгандай кўришар, уларга қилинадиган муомалани қилар эди. Ўша сабоқлардан бўлса керак, менинг болаликдан ўсмирликка, ўсмирликдан катталар оламига ўтишим қийин кечмади.

Мана, кўп йиллар ўтиб ортимга қарасам, мени ўз қаноти остида катта қилган бобом ўта руҳшунос, тарбияда олим киши ҳам бўлган экан, деган хулосага келаман.

Шу воқеалар ёдимга келар экан, руҳшунос мутахассис сифатида бугунги кун болалар тарбияси ҳақида бир фикрни ўртага ташлагим келди.

Кўпчиликка маълум, бўлғуси шахс оилада 3-4 ёшгача шаклланиб улгуради. Шу пайтда оила аъзолари болага нисбатан тарбиявий объект сифатида муомалада бўлмаслиги керак. Масалани лўндароқ қилиб айтадиган бўлсак, болани тарбиялашнинг ўрнига у билан дўст, ҳамфикр, ўйин ва унинг кундалик машғулотларида ўртоқ бўлинг. Бирор ўйинни бирга ўйнар экансиз, албатта, у билан, "мана бундай қилсак-чи" , деб маслаҳат қилинг. Шундай ҳолда 3-4 яшарлик бола ўз фикрини айтади. У бунга ё рози бўлади ёки муаммога болаларча ўзига хос бир ечим таклиф қилади. Айнан шу ечимни топиш, ташаббусни ўз қўлига олиш , маълум муаммо олдида эсанкирамаслик унинг руҳига ўша пайтда жойлашади ва у бутун ҳаётида бу хусусиятни йўқотмайди.

(Давоми 3-бетда.)

Xushxabar

ХЕЛЛИВЕЛ ХОНИМНИНГ СОВҒАСИ

Наманган Давлат университети жаҳон тиллари факультети ўқитувчиси Матлуба Эргашева келтирган хушхабарларда қуйидагилар маълум қилинган:

— Калифорния штатидаги "Филанс-25" нашриёти директори Бетти Хелливел хонимдан мактуб олдик. Бу унинг бизга йўллаган жавоб хати бўлиб, биз ўз мактубимизда Наманган вилоятида халқаро «Акселс», «Айрекс» ташкилотлари, мамлакатимизнинг "Умид", "Устоз" жамғармалари ва бизнес марказлари билан мунтазам равишда иш олиб борилаётганлигини маълум қилган эдик. Айнан ана шу ташкилот ва жамғармалар орқали НамДУ жаҳон тиллари факультетидан 10 нафар талаба Англия, АҚШ университет ва коллежларида таҳсил олаётгани, келажакда улар албатта етук мутахассис бўлиб қайтишларига умид билдирдик.

"Сизларни чин дилдан қутлайман, — дея ёзганди Хелливел хоним ўз хатида. — Тилни яхши билар экансизлар. Шунинг учун ҳам Сизга чексиз ҳурмат билан совғалар жўнатмоқдаман". Мактуб билан бирга бизга, талабалар ва мутахассислар учун жуда зарур бўлган "Жаҳон энциклопедияси" (30 том), "Голден Бук" (18 том), луғатлар, ҳар хил услубий қўлланмалар, бадиий адабиётлар ва 25 дона профессор Хелливел қаламига мансуб "XXI аср муқаддимаси" рисоласи жўнатилибди. Жами китоблар 150 дона. Китоблар аллақачон ўз ўқувчиларини топди.

Таржима назарияси кафедраси мудири Муҳайёхон Эшонова буни шундай изоҳлайди:

— Таълим соҳасидаги ҳар қандай алоқа икки халқнинг бир-бирини билишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Совға тариқасида жўнатилган адабиётлар талабаларимизга Американи, унинг халқини янгитдан "кашф" этиш имкониятини бераётир.

Факультетимиз талаба ва ўқитувчилари, профессор Хелливел хонимга миннатдорчилик мактуби йўлладилар.

Спок шунчалик машҳур бўлишига қарамасдан далиллар олдида бош эгди ва ўз тушунчалари, эътиқодидан воз кечганлигини, ўзи таклиф этган усул ўта даражада хато бўлганлигини матбуотда тан олди!

Ён-атрофимизга боқиб, узоқ бобомерос тарихимизга назар ташласак, жоҳил ота-оналарнинг фарзандлари ҳаётда ўз йўлларини топиб, ундан тўғри хулоса чиқарганларига гувоҳ бўлганмиз.

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда.)

Бу маҳсулни кўрган ва исботини топган жаноб Спок шунчалик машҳур бўлишига қарамасдан далиллар олдида бош эгди ва ўз тушунчалари, эътиқодидан воз кечганлигини, ўзи таклиф этган усул ўта даражада хато бўлганлигини матбуотда тан олди! Бу ҳам ўзига яраша жасорат эди. Бироқ табиийликдан воз кечиб, сунъийликка ўтишнинг оқибатларидан бизнинг авлод баҳраманд бўлганича қолаверди. Мана шу бахрамандлик сабабидан ҳам то мустақил бўлгунимизча болалар ўлими жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирида эдик. Бунинг оддий сабаби эса она ва боланинг руҳий ҳолати, бир-бирига узвий боғлиқлик мезони инобатга олинмаган, халқимизнинг азалий одати — она ва бола ўртасидаги кучли меҳр-муҳаббат риштаси узиб ташланган эди. Спок усули билан бола тарбияси олиб борилганида она сути миқдори тобора камаяверириши ва сунъий овқатлантиришга эҳтиёж кўпаяверириши рўй берарди. Бу эса жуда кеч пайқалди, шундай бўлса ҳам узоқ йиллар ҳисобга олинмади. Ҳолбуки, сунъий сут билан боқилган болалар ўртасида ўпка яллиғланиши 4 баравар ортиқ бўлиши ва бунда ўлим ҳам шунча кўп бўлиши 1990 йиллардаёқ ўз исботини топган эди.

ИЛОН ЗАҲРИНИ ҚАЙТАРГАН МАЛҲАМ

Африкада қуйидаги воқеа бўлиб ўтади: Норғул йигит атроф гўзаллигидан маҳлиё бўлиб, узоқ-узоқларга тикилиб турганида, заҳарли илон унинг кўзига туфлайди (бунақа илон тури Африкада кўп) Бу ҳодисадан кейин йигитнинг кўзи кўрмай қолиши аниқ, аммо ҳаёти ҳам хавф остида. Бироқ, худди шу вақтда тасодифан йигитнинг олдида пайдо бўлиб қолган она дарҳол кўкрак сути билан унинг кўзини обдон ювиб, артиб, заҳардан тозалайди. Кейинчалик йигит шифокорларга мурожаат қилганида: "Яхшиямки бахтингизга кўзингиз она сути билан ювилибди, йўқса кўзингиздан ажралишингиз аниқ эди!" деган гапни эшитади.

Демак, она сутида илон заҳрининг кучини қирқиб, кесиб ташлайдиган зидди заҳар борлигини она билган. Аммо, биз янги замон одамлари она сутининг мана шу хусусиятини унутиб қўйдик, аниқроғи билмадик. Агар билганимизда сунъий сут билан озиқлантирилган болалар орасида ич кетар касалликларидан ўлим нега 14 баравар кўп дея бошимизни қотириб ўтирармидик?!

Ҳозирги пайтда ўз исботини топган фактни алоҳида таъкидлаш лозим. Она сути билан болани тўйдириш бирданига 3 вазифани бекамукўст бажаради: 1. Болани тўлиқ овқатлантириш. 2. Боланинг соғлигини таъминлаш. 3. Боланинг келажаги яхши бўлишига кафолат. Мана шу 3 вазифанинг амалга оширилиши эса Ватан келажаги порлоқ бўлишининг гаровидир, албатта.

Ҳозирги пайтда Америкада Спок усулидан тамомила воз кечилиб, она сути билан болаларни эркин боқиш бўйича маърифий ишлар кенг йўлга қўйилган. Бунга амал қилган ва алоҳида эътибор берган оналар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. 1991 йилдан бошлаб Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва ЮНИСЕФ туғруқхоналарда она сути билан эркин боқишни ташкил этишни жуда фаол амалга оширишга даъват этмоқда.

Кўпгина текширишлар шуни кўрсатдики, бола туғилганидан бошлаб уни эмизиш бачадоннинг ўз вақтида қисқариб, кўп қон йўқотишнинг олдини олади, яъни онанинг келажакда кам қон бўлмаслигининг олдини олувчи омил бўлади. Энг асосийси, боласини ўз сути билан боқаётган онада сут бези раки жуда камдан-кам учрайди. Она сути билан боласини қанча узоқ вақт эмизса, кўкрак бези раки билан оғриш ҳам шунчалик кам бўлади. Бироқ, афсуски, олимларимиз А. Ёрқулов ва Д.И. Маҳмудоваларнинг маълумотларига қараганда, шу кунларда ҳам мамлакатимиз туғруқхоналарида янги туғилган чақалоқларнинг 40 фоизи она кўкрагига 2 кундан кейин тутилмоқда. Ахир бу ҳолда онада гиполактия бўлиши, сўнгра эса она сутининг мутлақо ажралмай қўйиши эҳтимолдан холи бўлмаслигини наҳотки яна унутган бўлсак?! Хўш, бу ҳолда онанинг руҳий ҳолатига бу жараён қандай салбий таъсир кўрсатишини нега ҳисобга олмаяпмиз?!

ОНА ЖАСОРАТИ

Эслайлик, момоларимиз, кўзи ёриган аёлни хафа қилмаслик керак, овқати кучли бўлсин, ҳеч ҳам руҳан эзилмасин, йўқса сути қочиб кетади, дейишади. Бу гапда катта асос бор ва худди мана шу ҳолдан қочиш керак. Кўзи ёриган онани эса ҳар тарафлама рағбатлантириш, хурсанд қилиш сутни мунтазам ажралиб туриши ва унинг кўпайишига замин яратади. Нафсиламбир айтганда, она организми мўъжизалар макони. Унинг сиз ва биз ҳали тушуниб етмаган шундай сирли кучлари борки, бунга оддий қилибгина ОНА ЖАСОРАТИ дейилади. Мўъжизаки, ер қимирлаганда, сув тошқини бўлганда ёки уруш кетаётганда ҳам она сути камаймайди, гиполактия кузатилмайди. Чунки бундай ҳолларда она организмида "ўз-ўзини ҳимоя қилиш" механизми моҳирона, сирли равишда ишга тушади. Шу ерда бир фактни келтириш ўринли: 1941-1945 йиллардаги уруш пайтида гиполактия ҳолати ва кўкрак ёшидаги болалар ўлими сонбиқ шўролар мамлакатида бошқа йиллардагига нисбатан энг кам сонда қайд этилган. Оддий сўкиниш, мижғовлик билан она руҳиятини камситиш, руҳан эзиш, унинг ғуруруни ерга уриш она сутининг кескин камайишига энг кучли туртки бўлади.

Демак, она руҳияти кўтаринки бўлса, эртанги кунга ишончи қанчалик юқори бўлса, боласини ўз сути билан боқишга кучли интиқлик, истак ва эҳтирос бўлса, гиполактиянинг бўлиши мумкин эмас. Руҳий ҳолатнинг бетакрор ва сирли кучи шундан ҳам кўринадики, ҳатто фарзанд кўрмаган, аммо эндигина бола асраб олган аёлларда, ҳатто эркакларда ҳам сут пайдо бўлганлиги ҳақидаги фактлар фанга маълум ва бунга тарихнинг ўзи шоҳид. Юқорида келтирилган фактлар она организмининг муайян ҳолати ва она сутининг бўлғуси фарзанд тақдирига нечоғлик катта таъсир кўрсатишига, келгуси авлод келажагининг қандай бўлишига сабаб бўлишини исботлайди.

КЕЛГУСИ СИФАТ БИРЛАМЧИ ҲОЛАТГА БОҒЛИҚ

Ҳар бир муайян пайтда кечаётган жараённинг ёки оламда бор нарсанинг бошланиш нуқтаси бор. Мана шу бошланиш нуқтаси ёки ядросининг бирламчи ҳолати унинг келгуси сифат ва хусусиятларининг шаклланишида ҳал қилувчи омилга эга. Чунки унинг ҳали биз тўлиқ билиб улгурмаган ички қонунлари мавжуд. Бу қонуниятнинг кечиши бошланганидан кейин унинг маълум даврга ривожланиши ва тугаши фақат унинг ўзига маълум ва хос йўлдан бораверади. Бу қонуннинг шундай кечиб ва ривожланишига кучли таъсирга эга ташқи куч аралашмаса, у тақдири-азал томонидан белгиланган йўлдан ҳеч адашмасдан, чалғимасдан ўз хотимаси томон яқинлашаверади. Сезиб турган бўлсангиз, биз ўз исботимизни анча узоқдан бошладик. Мақсадни аниқ баён қилмоқ учун қуйидаги тажрибага мурожаат қилайлик.

Кичкина бир кутича олиниб, унинг ўртасидан рентген нурини, миқроб ва вирусларни ўтказмайдиган шаффоф тўсиқ билан икки камерага ажратилади. Камераларнинг ҳар бирига бир хил турдаги тирик ҳужайралар жойлаштирилади. Биринчи камерадаги ҳужайралар кучли нурлантирилади. Бир неча кун ўтгандан кейин улар ўткир нур касаллигидан нобуд бўладилар. Орадан бир неча кун ўтгач, меъёрида озиқлантирилиб туришига қарамасдан, иккинчи камерадаги, нурлантирилмаган ҳужайралар ҳам ўладилар. Бу тажриба бир неча ўн марта қайтарилади. Натижа эса бир хил. Биринчи камерадаги ҳужайраларга микроблар ёки вируслар юқтирилиб тажриба такрорланганида ҳам худди шундай натижалар қайд этилди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: иккинчи камерадаги ҳужайралар биринчи камерадаги ҳужайраларнинг нур касаллигидан азоб чекиб қийналаётганликлари, микробларнинг ҳужайраларни ғажиётган пайтда кечираётган дахшатлари ҳақида қандайдир бир код билан информация оладилар. Мана шу информациядан иккинчи камерадаги ҳужайралар дахшатдан қотиб қолдилар, даг-даг титрадилар. Мана шу азобларга биз ҳам дучор бўлар эканмиз-да, деган ўй-фикр, қаттиқ изтироб соғ ҳужайраларни ҳам нобуд қилди.

Энди мана шу тажриба сал бошқача тарзда ўзгартирилди. Биринчи камерадаги ҳужайраларга қувноқ кайфият берувчи мусиқа билан, қизил, яшил ранглар ҳамда уларга энг мос келадиган овқатлар билан озиқлантирилдилар, яъни жаннатий муҳит яратилди. Орадан бир неча кун ўтгач, биринчи камерада қандай ижобий реакциялар кечаётган бўлса, худди шундай ҳолат иккинчи камерадаги ҳужайраларда ҳам қайд этилди. Демак, тажрибанинг иккинчи ҳолатида ҳам ҳужайралар тарафидан информация алмашиниши содир бўлди.

Маълумки, инсониятнинг ер юзида мавжудлигини таъминлаб турувчи оналик ва оталик ҳужайралари жуда нозик ва фаол биокимёвий ва нейроэндокрин жараёнлар туфайли ўта мураккаб босқичлардан ўтиб, етиладилар. Уларнинг тўлиқ етилиш даври ҳар хил, яъни оналик ҳужайраси учун бу муддат 24-28 кун, оталик ҳужайраси учун эса 10 кун. Мана шу давр мобайнида мана шу тирик ҳужайралар макроорганизмдан, яъни ота ва она организмидан келаётган информация таъсири остида бўладилар. Олинаётган информация салбий таъсирга эга бўлса, улардаги қувват ҳам шунчалик даражада кучсиз, сал-пал нохуш таъсирдан ҳам шаклий ўзгаришга бўлган мойиллик кучли, қаршилик кўрсатувчи кучи нимжон бўлиши турган гап. Бошқача айтганда, унинг ички мувозанат кучларини издан чиқариш осонгина рўй беради. Агар макроорганизмдан келаётган информация ижобий бўлса, бундай жинсий ҳужайранинг қувват кучи ҳам юқори даражада бўлиб, унинг ички мувозанати ҳам турғун, тақдири-азал тарафидан белгиланган йўлдан собитлик билан боришга шай.

Демак, ҳаётнинг завқли дамларидан ижобий сарҳушлик билан нафас олаётган, ишидан ҳам, қилаётган меҳнатидан ҳам, ижодидан ҳам даста-даста шодлик олаётган, ҳуррам бўлаётган, руҳиятида ижодкорлик, яратувчанлик ҳисси барқ ураётган, келажакка ўзгача юксак ишонч билан боқаётган, ҳаётидан мамнун ота-оналар организмида етилган ҳужайралар ижобий информациялар таъсирида ўта бақувват бўладилар.

(Давоми бор)

Hay'at yig'ilishida

ЗАРУРИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси ишида "Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида таълим ислоҳотларини амалга ошириш бўйича ташкилий-педагогик ишлари ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқарди.

Ушбу масала юзасидан ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевнинг ҳисоботи тингланди. Сирасини айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, унинг бошқарма ва бўлимлари томонидан кейинги уч йилга яқин муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида таълим ислоҳотларини амалга ошириш, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни, Вазирлар Маҳкамасининг таълимни ислоҳ қилишга қаратилган қарор ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлигининг қарор, буйруқ ва кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилган. Энг муҳими, республиканинг 23 та мактабидаги тажриба-синов майдончаларида тажрибали ўқитувчилар томонидан 25 фан йўналиши бўйича 1998-1999 ўқув йилида 5—6-синфларда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари синовдан ўтказилган, ҳозирги кунда 7—9-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилаётир.

Методик хизматни яхшилаш, илгор тажрибаларни оммалаштириш соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. "Устозлар" туркумида 7 нафар, "Ўқитувчилар — касб усталари" йўналишида 15 нафар ўқитувчининг иш тажрибалари тўплам сифатида нашр қилинган. Маҳаллий матбуот саҳифаларида "Ўқитувчилар минбари", "Сўз — ўқитувчиларга", "Илгор тажриба мактаби", "Илғор педагогик технологиялар ҳаракатда" рукнлари остида берилаётган материаллар, Қорақалпоғистон телевидениесининг "Мактаб ва турмуш", "Ўқитувчилар экрани" кўрсатувлари муҳим аҳамият касб этмоқда...

Бироқ 1999-2000 ўқув йилининг 3-чорак якуни бўйича ўтказилган синов ишлари шуни кўрсатдики, айрим туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларига қарашли таълим муассасаларида фанларни ўқитиш, ўқувчиларга берилаётган билим ва кўникмалар сифати ва самарадорлиги давр талабларидан орқада қолаётир. Жумладан, она тили ва адабиёти фани бўйича бошланғич синфларда (I-IV) Мўйноқ (24,23), Бўзатов (24,17), Тахтакўпир (24,29 фоиз), Нукус (24,01 фоиз) туманлари мактаб ўқувчилари қониқарсиз баҳода ўқиётганликлари маълум бўлди.

Физика фани бўйича Хўжайли (42,9), Беруний (42,4) туманлари ҳамда Нукус шаҳри (43,1) 6—11-синф ўқувчилари республика кўрсаткичидан (40,1) юқори натижага эга бўлдилар. Бироқ Тахиатош шаҳри (37,55), Қораўзак (37,75), Чимбой (37,85), Бўзатов (38,05), Нукус (38,8) туманлари ўқувчиларининг билим даражалари замонавий талаблардан орқада қолаётганлиги аниқланди.

Юқорида қайд қилинган туман(шаҳар) таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билим даражалари пасайиб кетиши таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш, дарс жараёнига ноанъанавий усулларни жорий этишда сусткашликка йўл қўйилганлигидадир. Шу билан бирга ўқувчиларнинг дарсликлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, ўқув муассасаларида техника воситалари ва лаборатория асбоб-ускуналарининг етишмаслиги, ўқувчиларнинг методик жиҳатдан етарлича таъминланмаганлиги оқибатлари ҳам сабаб бўлган...

Ҳайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг таълим ислоҳотларини амалга ошириш бўйича ташкилий-педагогик ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди ҳамда Амударё (П.Қурбонниёзов), Чимбой (Т.Орзекеева), Бўзатов (К.Оллабоев), Нукус (А.Давлатов) туманлари ва Тахиатош (Л.Ражапова) шаҳри халқ таълими бўлими таълим ислоҳотларини амалга оширишда, унинг мазмунини янгилашда, ўқувчиларнинг билим даражасини оширишда сусткашликка, камчилик ва нуқсонларга йўл қўйганликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги (Б.Султонов)га камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий вазифалар юклатилди.

Қисқаси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва таълимга оид ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида вазирлик ҳайъат мажлисида тегишли қарорлар қабул қилинди. Энг муҳими, ҳайъат қарорида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бошқармалари, Республика таълим маркази ҳам Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига зарурий ёрдамларини бериб боришлари қайд этилди.

МУХБИРИМИЗ

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Республика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таҳлилига бағишланган ҳайъат мажлиси Тошкент Давлат архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтди.

Ушбу кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг илк босқичи юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси бошлиғи Э.Ганиев, ташкилий қўмита масъул котиби Э. Каримов, ЎзМУ ректори Т. Долимов, ТДШИ ректори Н. Иброҳимов, олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Б. Раҳимов, кадрлар бош бошқармаси бошлиғи О. Бухоровлар сўзга чиқишиб, бу борадаги муаммоларга тўхталдилар.

Хулоса шу бўлдики, қилинган ишлар салмоғи имкониятларга нисбатан оз.

Жиноятчилик, гиёҳвандлик ва диний экстремизмнинг таълим муассасаларида ҳам учраб турганлиги кечирилмас ҳолдир.

Тадбирлар юзаки, таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси фаолиятига эътибор кам. Назорат суст. Демак, жараён суст. Барча таълим муассасаларида тарбиявий—ахлоқий масала биринчи ўринда бўлиши шарт, деган хулосага келди мажлис аҳли.

Йиғилишда "Универсиада — 2000"га тайёргарлик кўриш, уни самарали ўтказиш борасида Олий таълим муассасалари олдидаги вазифалар хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Кенгайтирилган ҳайъат мажлисида олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов иштирок этди.

Насриддин БОТИРОВ

Maktabgacha ta'lim

БОЛАЛАРИМИЗ РАНГЛИ-ТАСВИРЛИ КИТОБЛАРНИ СЕВАДИЛАР

Кичкинтойларга миллий ғояни сингдиришнинг муҳим аҳамияти шундаки, у болаларимизнинг ўзлигини англашга, миллий қадриятларга, урф-одатларга, улар билан фахрланиш билишига, тарихий сиймоларга ҳурмат уйғотишга хизмат қилади. Бу борада боғчада маънавий ва маърифий ишлар олиб борилмоқда. Кутубхона, музейлар ташкил этилиб, уларга буюк сиймолар суратларига шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ижодига катта ўрин берилди.

Миллий музейдан ўзбек халқининг миллий санъатига оид асарлар: сўзана, нақкошлик, зардўзлик, кулолчилик, миллий ҳунармандчилик намуналари ва меъморчилик ёдгорликлари жой олди.

1990 йилдан бошлаб республика Таълим маркази ходимлари билан ҳамкорликда тарбиячилар учун бир нечта қўлланма ишлаб чиқдик. Айниқса, миллий мафкурани болалар қалбига етказишда "Улуғлардан ўрганмоқ оқилликдир" услубий-кўргазмали қўлланманинг чоп этилиши тарбиячилар қувончига қувонч қўшди. Чунки рангли-тасвирли китобни болаларимиз жуда севадилар. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда республика Таълим маркази мактабгача таълим бўлими бош услубчиси Умида Ғафурова қўлланмада буюк сиймолар ҳақидаги маълумотларни болаларнинг ёш хусусиятларига мос ва хос тарзда баён қилган. Мақсадимиз, мурғак қалбларни она-Ватанни севишга, ота-боболари билан фахрланиб яшашга ўргатиш, одоб-ахлоққа оид одатлар, инсоний фазилатларни шакллантириш, илк ҳуқуқий тушунчаларни улар онгига сингдириш, инсонпарварлик, адолат ва эзгуликни тарбиялаш каби миллий ғоя билан суғоришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий демократик жамият қурар эканмиз, биз тарбиячилар томошабин бўлиб эмас, балки эркин ва мустақил фикрлай оладиган авлодни тарбиялашда муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Малика ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Чилонзор туманидаги 534-болалар боғчаси тарбиячиси

Суратларда: болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МАКТАБЛАРГА ЕР БЕРИЛМОҚДА

Сирдарё туманида бугунги кунда 44 та мактаб мавжуд. Айни кунда вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита эътибори ва кўмаги туфайли бу мактабларнинг ҳар бирига 20 гектардан ер ажратиб берилмоқда. Бундан кўзланган бош мақсад мактабларнинг моддий аҳволини яхшилаш, мактаб иқтисодиётини шакллантиришдир. Режага кўра, ўз оталиғидаги мактабга ер ажратиб берган хўжалик ерга ишлов бериш, ўғитлаш ва техника масалаларида ҳам ўқув муассасаларига яқиндан ёрдам бериши кўзда тутилган. Олинган қўшимча даромад эса, фақат мактаб эҳтиёжи учун сарфланади.

И. ИСКАНДАРОВ

ЮКСАК САНЪАТ СОҲИБЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Бадиий Академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўрта махсус маданият ва санъат билим юртлари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, ёш рассомлари Республика кўрик-танловининг очилиш маросими ўтказилди.

Унда туман, вилоятлардан саралланган талабалар қатнашдилар. Танлов ғолиблари Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Кўргазма залида иқтидорли ўқувчиларнинг Наврўзга, Она-Ватан ва замондошларимизга, эркин мавзуларга бағишланган асарларидан иборат экспозиция ташкил этилди ва бу жамоатчилик вакиллари, рассомлар ва талабаларда юксак таассурот қолдирди.

Маросимда Ўзбекистон Бадиий Академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг вакиллари иштирок этдилар.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ,
ЎзМУ толиби

БЕБАҲО ГАВҲАР

Aks-sado

"Маърифат" газетасининг 12 апрель сонида чоп этилган "Билим мақсадми, восита"? мақоласи мени ўзига жалб этди. Мақолада анча долзарб мавзу кўтарилган бўлиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг аниқ меъёрлари Давлат таълим стандартларида аниқ кўрсатилгани айтиб ўтилган. Дарҳақиқат, маънавий фазилатлар — ахлоқ-одоб меъёрларининг исботи бўлса-да, уни баҳолаш мушкул. Бу ўқувчининг ички дунёсида яширинган бўлиб, уни фақат фикри орқали баҳолаб бўлмайди. Мақолада ўқувчи маънавиятини аниқлашда ҳам ўқитувчиларининг баҳо қўйишлари тўғри талқин қилинган.

Ўқитувчи бевосита ҳар бир ўқувчининг ҳулқини, шахсий муносабатини рейтинг бўйича ҳафтада бир марта синф журналига қайд қилиб, уларни жамлаб, ўқувчи маънавиятининг рейтингини аниқлайди. Биргина синф раҳбарининг баҳосига қараганда, кўпчилик қўйган баҳо реал, аниқроқ бўлади. Бу баайни ҳақиқат ва оқилона фикр ҳам.

Лекин ҳафтада бир соат дарс берадиган ўқитувчи ўқувчи ҳулқига қараб баҳо қўйса, журнал юритишда анча қийинчилик пайдо бўлиши мумкин. Кези келганда шуни айтиш лозимки, синф раҳбари ҳар чорак охирида ўқувчининг ҳулқини жамлаб, умумий баҳони чиқарса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Мақолада, шунингдек, "ҳулқ-насл-насаб, шажара назарда тутилмоғи зарур" деб айтиб ўтган муаллиф. Мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Чунки насл-насабида ўғри, қотил бўлганларнинг ҳаммаси ҳам бадхулқ бўлмайдику, ахир... Ён-атрофимизга боқиб, узоқ бобомерос тарихимизга назар ташласак, жоҳил ота-оналарнинг фарзандлари ҳаётда ўз йўлларини топиб, ундан тўғри хулоса чиқарганларига гувоҳ бўлганмиз.

Мақолада айрим шахсларнинг билимдону худбин, Ватанга муҳаббат, миллат ғурури каби хислатлар улар қалбида мавжуд эмаслиги тилга олинган. Дарҳақиқат шундай. Чунки ҳозирги эркин жамият кишиси фикрларга кишан солинган мафкура ҳукмронлиги даврида яшаган. Тарбия масаласида оқсаётганимизга шу давр иллатларининг озроқ таъсири бор, деб ўйлайман.

Маънавий-маърифий фазилатларни камол топтириш ишини, аввало оиладан, қолаверса, мактаб ўқитувчисидан бошлаш керак. Мисол учун ўқитувчи дарсда юксак маънавий фазилатлар ҳақида гапирсаю, зум ўтмай эшик орқасида ўқитувчи маънавиятига хос бўлмаган сўзлар айтиб, ўқувчиларга "намуна" бўлса. Ёки ўқувчининг билиб-билмай қилган хатосини тузатаман, деб унинг мурғак, беозор қалбига жароҳат етказса. Ўқитувчи ҳамкасбининг камчилигини ўқувчиларга исбот сифатида айтиб, унинг устидан кулиб, тартиб-интизомини ёмонлаб гапирсаю ўзлари дарсга бошлари эгик, жимгина кечикиб кирсалар, буни қандай тушуниш мумкин? Ахир ўқитувчининг юриш-туриши, ҳулқ-атвори ўқувчига жонли кўргазмадай намуна-ку? Демак, баъзи бир ўқитувчилар ҳам тарбияга муҳтож. Лекин ўқувчилар андозани ўша ўқитувчилардан олаётгани кўпгина муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, энг аввало, одамийлик хазинасининг бебаҳо гавҳари бўлмиш маънавиятни юксалтиришда ягона мақсад билан ишламоғимиз лозим.

Замира МУРОДОВА,
Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги 26-мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

ҲАРБИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БАЙРАМИ

Musobaqa

Бугун Хоразмнинг Урганч шаҳрида бошланадиган анъанавий "Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт мусобақаси мамлакатимиздаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейлар ўртасида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, юртимизда қабул қилинган "Соғлом авлод" давлат дастурида республикамиз ёшларининг жисмонан бақувват, чиниққан, ҳар томонлама баркамол, соғлом бўлиб етишишлари кўзда тутилади. 6 майга қадар бўлиб ўтадиган ушбу спорт мусобақалари ҳам ана шу дастур талабларини ҳаётга татбиқ этишнинг яққол мисоли бўлади.

Мусобақалар Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланганлиги ҳам қатнашчиларда катта масъулият ҳиссини, ўтганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром, аждодларимизга нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши, уларда миллий ғоянинг янада чуқурлаштириб, мустаҳкамланишига шак-шубҳа йўқ.

Мазкур мусобақалар лицей ўқувчилари ва жамоалари учун ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди. 3-4 кун давомида ўқувчиларнинг жисмоний ва ҳарбий тайёргарлиги, лицейларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари кўрикдан ўтади. Ўқувчиларнинг олий ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлик даражаси, ютуқлар ва камчиликлар сарҳисоб қилинади ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мусобақалар бир неча йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Ўқувчиларнинг жисмонан бақувват, тетик, кучли, ҳар томонлама ривожланган бўлиб етишишлари, уларда ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш, Президент ва халққа содиқ бўлиш, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиб ўсиши каби хислатларнинг шаклланишида аҳамияти жуда муҳимлигини назарда тутиб, мусобақаларни ўтказиш ташаббусини Халқ таълими вазирлиги илгари сурган эди. Бу йилги мусобақа ҳам вазирликнинг йиллик иш режаси асосида ўтказилмоқда.

Ушбу мусобақа ҳарбий-спорт ўйинларининг бир неча турларини ўз ичига олади. Жумладан, ўқувчилар қуйидаги турлар бўйича беллашадилар: 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, 3000 метрга кросс, гранатани узоққа отиш, ҳарбийлаштирилган эстафета, арқон тортиш.

Аввалги йилларда ўтказилган мусобақаларда Тошкент ҳарбий лицейи уч марта биринчиликни қўлга киритишга муваффақ бўлиб, мусобақалар Низомига кўра кўчма совринни ўзида доимий сақлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу йилги мусобақаларга Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Андижон лицейлари жамоалари қизғин тайёргарлик билан келишди.

Аминмизки, ушбу мусобақаларнинг мунтазам равишда ўтказилиб борилиши ҳар бир қатнашувчи жамоа аъзосида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Улар "Амир Темур авлоди" деган юксак ном эгаси бўлиш учун мусобақада иштирок этаётганидан ғурурланадилар. Бу эса юртбошимиз таъкидлаётган, шакланиш лозим бўлган миллий мафкура ва миллий ғоянинг дебочаси бўлиб хизмат қилади деган фикрдамиз.

И.ЭРГАШЕВ,
Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи директори ўринбосари

Соғлом ва баркамол авлод тарбияси бир йиллик ёки бир неча йиллик тадбир эмас. Бу бизнинг ҳар дақиқалик, ҳар соатлик, қолаверса ҳар кунлик вазифамиздир.

Катталар, тарбиячилар, ўқитувчилар, умуман ёшлар билан муомалада бўладиган ҳар бир киши ҳеч қачон ёнида шахс шаклланаётганлигини унутмаслиги керак.

Kasaba uyushmalari hayotidan

БИР УМРЛИК РОҲАТ ИСТАСАНГ...

Донишмандлардан бири деган экан:

"Бир йил роҳат истасанг, шоли эк, ўн йил роҳат тиласанг, дарахт ўстир, умр бўйи роҳат кўрмоқчи бўлсанг, комил фарзанд тарбияла!"

Чиндан ҳам бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган, барчамизни бирдай ўйлантираётган соғлом, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масала ҳар кимнинг, ҳар биримизнинг фаолиятимизда асосий мавзу ҳисобланмоқда.

Худди ана шу масъулият 75 мингдан ортиқ аъзони ўзига бирлаштирган таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси фаолиятига ҳам янгича мазмун бағишламоқда. Бугунги кунда қўмита томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган қатор тадбирлар худди шу мақсадга йўналтирилгандир.

Эътироф этиш керакки, инсон жисмонан соғлом, маънавий етук ва руҳан тетик бўлмоғи биринчи навбатда унинг моддий таъминотига ҳам дахлдордир. Қўмитамиз ўз ваколатлари доирасида ўқитувчи, мураббий ва фан ходимларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга интилиб, шунинг баробарида соғлом авлод тарбияси борасидаги фаолиятларига рағбат бағишламоқдалар.

Жумладан, "Соғлом авлод йили"нинг дастлабки кунлариданоқ касаба уюшма қўмитамиз ҳисобидан кам таъминланган, ночор оилалардан 186 тасига 314 минг сўм, меҳрибонлик ва болалар уйига 34 минг сўм, мактаб, боғча, интернат, касалхоналарга 150 минг сўм моддий ёрдам берди. Шунингдек, ногирон болалар, қарияларга совғасалом, кийим-кечак, ўқув қуроллари учун 250 минг сўм миқдорида ёрдам уюштирилди. Янги йил байрамида эса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 50 минг сўмлик совға тарқатилди.

Қурбон Ҳайити, Наврўз байрами муносабати билан қўмитамиз томонидан якка-ёлғиз кексаларга, кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож талабаларга, ночор оилаларга 500 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ёз ойларида вилоятимиз бўйича фарзандларимизнинг 24 минг нафари вилоятимиз ҳудудида ҳамда бошқа вилоятлардаги оромгоҳларда дам олиши мўлжалланган бўлса, шунинг 2400 нафари, яъни 10 фоиз сарф-харажатини қўмитамиз ўз зиммасига олган. Қўмитамиз болалар ўртасида касаллик даражасини камайтириш, улар ўртасида профилактик-соғломлаштириш ишларини кучайтириш мақсадида "Соғлом авлод учун" жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса, талаба ёшларни соғломлаштириш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йил апрель ойининг ўзида кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган оилаларнинг талаба ёшларидан 50 нафарини бепул соғломлаштириш учун тармоқ Марказий қўмитамиз ва вилоят касаба уюшмаси қўмитаси томонидан етарлича маблағ ажратилди.

Соғлом ва баркамол авлод тарбияси бир йиллик ёки бир неча йиллик тадбир эмас. Бу бизнинг ҳар дақиқалик, ҳар соатлик қолаверса, ҳар кунлик вазифамиздир. Ана шундан келиб чиқиб, вилоят қўмитамиз ўзининг 2000-2004 йилларга мўлжалланган фаолият дастурини ишлаб чиқди. Дастурда мактабларда жорий қилинган тиббий пунктлар ишига яқиндан ёрдам бериш, соғлиқни сақлаш тизими билан ҳамкорликда болалар ва ўсмирлар ўртасида касаллик даражасини камайтириш мақсадида соғломлаштириш ишларини кенг қамровли олиб бориш, яъни тиббий кўрикларни чуқур ва таҳлилий ўрганишлар асосида ташкил этишга яқиндан кўмаклашиш, шунингдек ногиронликнинг олдини олиш мақсадида оналар ва болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти билан уйғунлаштириб иш олиб боришни режалаштирганмиз. Ижтимоий муаммолар, оила бузилишлари натижасида шундай оилаларнинг болалари ҳам маънавий, ҳам моддий инқирозга учрамоқдалар. Бу борада уларнинг ҳуқуқлари тўлақонли таъминланишига эришиш, қолаверса, болаларнинг ақлан баркамол, маънавий юксак, руҳан тетик ривожланиши учун оилада етарли шароит яратилишига кўмаклашиш, ўз навбатида бунинг учун ота-онанинг масъулиятини янада кучайтириш ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ана шу вазифалар замирида ўзимиз орзу қилаётган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек олий мақсад мужассамдир.

Муяссар РАҲИМОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси раиси

ЭРКИНЛИК РУҲИ БОЛАЛИКДА СИНГАДИ

(Боши 1-бетда)

Агарда сиз уша ўйин давомида ташаббусни ўз қўлингизга олиб, мана бундай бўлади, деб ишни бажариб қўяр экансиз, бола руҳида қийинчилик олдида эсанкираш, кимдандир нажот кутиш руҳи пайдо бўлади.

Шунинг учун бола билан муомалада унга шахс сифатида эътибор кўрсатишни унутманг. Шундай ҳолдагина унинг руҳида ўзига бўлган ҳурмат сунмайди.

Маълумки, ҳар қандай шахсдаги бошқаларга ҳурмат руҳи шахснинг ўзининг ўзига бўлган ҳурмат руҳи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шахс қанчалик ўзига паст ҳурмат руҳи билан қарар экан, у шунчалик бошқаларга ҳурмат тушунчаси билан эмас, қандайдир бир қўрқиш, номаълумликдан чўчиш, ўзини улардан камситиш руҳи билан қарайдиган бўлади.

Ушбу мисоллардан келиб чиққан ҳолда, кичик бир хулоса қилишимиз мумкин. Бу ҳам бўлса, болага ҳар доим тарбияланувчи объект деб қарамасдан, у билан дўст бўлинг, тарбия беришдан дўстлашиш осонку, демоқчиман.

Шундагина, бола қалбида ўзига ишониш руҳи пайдо бўлади. Ахир уни ҳаётнинг мураккаб ҳолатларида ўзига ишонч кучигина сақлаб қолади. Сиз у билан бир умр бирга бўлмайсиз. Шундай экан, руҳшунослик тили билан айтганда, болангизнинг, неварангизнинг қулини ҳаёт саҳнига етаклаб чиққанингиздан кейин қўйиб юборинг. У ўзига ишонч руҳида бошқалар билан мустақил муло-қотда бўлсин.

Сизнинг бақувват қўлингиздан жажжи қўлини ўзмасдан сизга дуч келган, сиз билан суҳбатлашиб турган (лаққироқ)танишингиздан неварангиз "амаки, соатингиз неча бўлди" деб сўраса уни қойиманг. Уша соатни сўраш билан у ўзлик руҳини намоён қилаяпти. Шахс сифатида одамлар орасида муомала қадамини қўйяпти. Ҳатто, ўзи билиб-билмай сизга ёрдам бераяпти. Эҳтимол бу (лаққироқ) танишингизнинг сергаплиги туфайли неварангиз билан музейга кечикаётгандирсиз.

Шундай экан, боланинг ўзини англашдаги илк қадамларини, "катталарнинг гапига аралашма", деб шаштини қайтарманг. Бир маротаба шашти қайтган боланинг иккинчи бор катталардан шижоат қилиб бирон нарсани сўраши қийин бўлади. Кейинчалик бундай бола, журъатсиз, шижоатсиз, ҳаётда ташаббуссиз, оқимга қараб оқадиган, лаёқатсиз бўлиб усади.

Катталардан соатни сўрашга шижоат кўрсата олган бола шу жойнинг ўзида ички бир ҳиссиёт билан ўзига ўзи баҳо беради, ютуғидан қувониб ўзининг иккинчи шижоатига қалбида замин яратади. Аммо бирор шижоат катталар томонидан сўндирилар экан, бу ҳолда бола руҳида кескин равишда ўзига ишонмаслик, қўрқинч, иккиланиш руҳи пайдо бўлади.

Шундай тарбия — дўстона муомала жараёнида, биринчидан: бола ўзини бошқалар томонидан тенг қабул қилинаётганини сезиши керак; иккинчидан; бола мустақил равишда бирор иш қила олишига ва бу ишни яхшигина уддалашига ишониши керак; учинчидан: шундай мустақил ҳаракатлар билан у ўзини ўзи яратиб бораётганини сезиши керак.

Маълумки, ҳар қандай шахс уз меҳнати маҳсулидир.

Ушбуларни баён қилар эканмиз, болалар ва катталар орасидаги азалий келишмовчиликларнинг жуда кўпининг болаларга дўстона руҳда муомала қилинганда олдини олиш мумкин булар эди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

Аммо азалий, катталар ва ёшлар, ота-она ва фарзанд деган тушунчаларда учрайдиган жумбоқнинг боши ҳам шундаки, катталар болаларни ёш, тажрибасиз дейишадида уларни қаттиқ тарбия остига олишади. Тарбия бўлганда ҳам сўзсиз қабул қилдириш усулини қўллашади ва натижада бир фарзандимиз қайсар бўлиб ўсса, бошқаси ташаббуссиз, лоқайд бўлиб қолади.

Катталар, тарбиячилар, ўқитувчилар, умуман ёшлар билан муомалада бўладиган ҳар бир киши ҳеч қачон ёнида шахс шаклланаётганлигини унутмаслиги керак. Унинг ички, эндигина шаклланаётган ниҳол қалбига қўпол таъсир қилмаслик лозим. Дўстона ургатиб, уни тенг қабул қилиб иложи борича унга фикрини айтишга шароит яратиб беринг, шу билан унинг шаклланишига ёрдам берган бўласиз.

Ёдингизга олиб кўринг, мактабда ҳам ким доскага кўп чиқса, ким қўпроқ саволларга жавоб берса, ўша кишининг ўз фикрини бошқаларга етказиши енгилроқ бўлган.

Айнан мана шундай ташаббускор болалар, ҳатто билими кучли бўлса-да, журъатсиз бўлган болалардан олдинда юради. Бу табиий ҳол.

Болага ёшликда қанчалик эркинлик руҳи сингдирилса, у келгусида шунчалик шахс сифатида "ранг-баранг" бўлиб етишади.

Кўпгина тараққий қилган давлатлар педагогикасидаги асосий тамойиллардан бири, боланинг синфда лозим бўлган пайтда зарур ишини қила олишидадир. Аммо бу ўринда болага, демократиянинг асосий шарти бўлмиш келгуси ҳаётида унга аскотадиган талаб, унинг ҳаракати бошқаларга ҳалақит бермаслик талаби қўйилади.

Бола ёшликда эркин руҳда тарбия топсагина эркинликни чегарасиз тушунча деб қабул қилмайдиган бўлади. Эркинликнинг қадрини эркин бўлган кишигина билади. Доим сиқувда, тажовузда, назорат остида усган, руҳан эркин бўлмаган бола кейинчалик жамиятда ҳам ўзини эркин сеза олмайди. Бунда бола катталар билан ёшлигида бўлган муомаласидангина андоза олади.

Шундай экан, болаларимиз онгига ёшлигидан, улар билан шахс сифатида дўстлашиб муомала қилиш жараёнида, руҳий эркинликни сингдирайлик.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

Xalq og'zaki ijodi

"ЙИҒЛАСА ДУР СОЧИЛИБДИ"

Эртаклардаги воқеаларнинг таъсир кучини оширадиган, ғайритабиий ҳодисалардан энг характерлиси "Йиғи жон ато этди" мотивидир.

Йиғи ташқи таъсирдан юзага келади ва руҳий кайфиятни ифодалаб, қайғу-ҳасрат ёки шодлик-қувонч маъноларини англатади. Қадимги манбаларда ёзилишича, туркий қавмлар орасида "Йиғи мархумга жон ато этади" деган ибтидоий тушунча ҳукм сурган. Йиғининг ғайритабиий қудрати коҳинлар орасида тирилган мурда ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу хил афсоналар эса йиғининг таъсир кучига ишончни кучайтирган, унинг маълум маънода ғайритабиий кучга эга бўлган ҳодиса сифатида тан олинишига сабаб бўлган. "Йиғи таъсирида тирилган оға-нилар" ҳақидаги қадимги юнон асотири йиғининг сирли таъсир қудратига ишончдан дарақ беради. Опасингилларнинг Осирис жасади устидаги йиғилари бекор кетмади... "Йиғи ва дуолар билан Исида ва Нефтида Осирисга жон ато этдилар. Йиғи мархум учун жон бахш этувчи бўлди" Айтиш жоизки, мархумга жон ато этувчи куч йиғи магиясидир.

Йиғи қадимда, тараққиётнинг муайян босқичида мифик маросим тусини олган. Бу хилдаги маросимларда йиғи қайғу-ғамни ёзиш эмас, сеҳрли таъсир кўрсатиш вазифасини адо этган. Айтиш мумкинки, қадимги мифик маросим йиғилари айни пайтда мархумга руҳий таъсир кўрсатиш учун хизмат қилган. Демак йиғи муайян даврда амалий аҳамият касб этиб келган.

Йиғининг жон ато этиш қудрати ҳақидаги тасаввурнинг илдизларини Марқазий Осиё қадимги қавмлари ибтидоий турмуш қатламларидан изламоқ керак. Зеро, бу тушунча туркий қавмлар орасида аллақачон эртак мотивларига айланган.

Йиғи маросимининг сеҳрли кучига ишониш қадимги туркий халқлар эртакларида турли хил эпизодларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бир хил эпизодлар эртакларда йиғининг ўзига хос жодули кучи шаклида акс этган. Чунончи, "Онамни қидириб топаман. Агар арвоҳи қора Олтойда бўлса, унинг мурдаси устида йиғлайман", дейилади Олтой эртакларидан бирида. Йиғи тожик халқ эртакларида ўзига хос бўрттирилган: "У йиғлайверибди, йиғлайверибди, кўз ёшига икки челак тўлибди. Бечора йигитни маликанинг кўз ёшига ювишибди... у тирилибди".

Йиғининг сеҳр-жоду кучи ҳақидаги қадимий тасаввурлар ўзбек халқ эртакларида ҳам ўз изини қолдирган ва ўзига хос бадиий шаклларни юзага келтирган. "Бола: Эй худо, деб кеча-кундуз йиғлайверибди, охири онаси тирилибди" ("Кенжа ботир"). Йиғи замиридаги руҳий кечинмаларга инсоний қадр-қиммат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамдардлик каби ғоялар сингдирилган, улар дўстлик ва меҳрибонликка даъват этади, ҳаётнинг қадрига етиш, яхшиларни эъзозлашга чақиради.

Йиғидан тирилиш эпизодида ғайритабиий ҳодиса тасвирланади ва бунда хаёлий образ юзага келади. "Жамила уйдан йиғлаб чиқибди: улар унда, мен бунда қон йиғлай шундай кунда, деб йиғлайверибди, охири йигитга жон кира бошлабди" ("Кенжа ботир"). Йиғидан тирилиш мотиви эртакларда қисқа ифодаланган бўлса-да, ғамгин руҳиятни аниқ, тўлиқ акс эттиради. Кўринадики, қадимги ҳаёт ҳақиқати, йиғининг жон ато этиш қудратига ишонч ғоялари йиғидан тирилиш мотивининг дастлабки, ўзига хос ибтидосини юзага келтирган. Унинг интиҳосида эса мифологик маъно тушиб қолган. Йиғининг эртақдаги ўрни ва вазифаси эзгулик ва адолат тантанасини таъминлашдан иборатдир.

Мазкур талқинларда бош қаҳрамоннинг тирилиши, жонланишида йиғи эмас, асосан, кўз ёшлари амал қилади. Бунинг сабаби шундаки, қадимда кўз ёшига сирли сув об-ҳаёт сифатида қаралган, уни тирилтирувчи сув — оби зам-зам билан боғлашган. Шу ўринда қабрга сув сепиш билан боғлиқ қадимги урф-одатларни эслаб ўтиш жоиз. Бу ҳодиса эртакларда мархумга жон ато этувчи сув ҳақидаги ғаройиб сюжетларнинг юзага келишига сабабчи бўлган. Баъзи эртакшунос олимлар кўз ёшлари сирли сув каби ўлган одамга тирилтирувчи таъсир кўрсатишга қодир, деган фикрни илгари сурадилар ва эртакларда мархумнинг тирилиш сабабини кўз ёшлари билан боғлайдилар. Бундай талқин кўз ёшини сирли сув билан тенглаштиришдан келиб чиққан. Бироқ мазкур фикр муаллифлари йиғи магияси ва унинг таъсир кучини эътибордан соқит этадилар. Чунки эртаклардаги жон ато этувчи куч кўз ёшларида эмас, балки йиғи ва сўз магиясидадир. Кўз ёшлари эса йиғининг белгиси, эртак мотивида акс этган образли ифодасидир.

Умуман, йиғидан тирилиш мотиви тингловчи қалбида эзгуликка интилиш ва инсонпарварлик тушунчаларини шакллантириш, эмоционал таъсир кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу мотив эртаклар учун типик ходиса бўлиб, воқеаларни эртак якуни билан боғлайди, хаёлий уйдирма, тилсимли восита сифатида эртақдаги сирлиликни, сеҳрни белгилайди.

Эртаклардаги "Йиғласа дур сочилибди" ибораси ҳам йиғининг сеҳрли кучини, яъни ўгай қиз табиати, унинг латофатини ифодалайди. Йиғининг жоду кучи ўгай қизни идеаллаштиради. Қайғу-аламни шодликка айлантиришни таъминлайди, қолаверса, мотивларнинг таъсир кучини орттириб, тайёр қолипга айланган хаёлий уйдирмаларни юзага келтиради, муҳими, ўгайлик мавзуидаги эртакларни умумлаштиради. "Йиғласа дур сочилибди" мотиви моҳиятан ўгайликни инкор этади ва ўзаро тотувликда яшаш ғояларини илгари суради. Эртак эпизодида ёруғ нурда думалаётган ёш томчилари хаёлда дур тусини олади. Шу боис, бадиий талқинда,йиғласа ёш эмас дур сочилади. Табиий гўзалликни ифодалаган хаёлий уйдирма ғайритабиий ҳодисанинг ажойиб намунаси сифатида намоён бўлади ва асосий вазифасини, яъни ўгай қизнинг табиати, ғаройиб фазилатларини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Мазкур мотивлар нафақат жозибани, балки яхши фазилат, ахлоқий гўзалликни мадҳ этади ва тингловчида бадиий завқ уйғотади.

Комил ИМОМОВ,
филология фанлари доктори

КИЧИК ДОРИЛФУНУН

Самарқанднинг Сиёб туманида жойлашган 2-педагогика билим юрти энг кўҳна илм даргоҳларидан биридир. Айни пайтда бу ерда 733 нафар талабаёшлар таълим-тарбия олишмоқда.

Билим юрти ховлиси гўё меҳмон кутаётган ўзбек хонадонини эслатади. Чор-атроф топ-тоза, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Синф хоналари, спорт зал, спорт майдонлари, ётоқхонаю кутубхона кўнгилдагидек озода.

Мазкур даргоҳ раҳбари Санобар Азимованинг бошчилигида билим юртида "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан келиб чиқадиган қатор вазифалар амалга оширилмоқда. "Ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари", "Диний экстремизм ва фундаментализм" ҳақида суҳбатлар, "Аёл қадри", "Ҳаётнинг гулисан аёл" мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилди. Ўз касбининг фидойилари Шарофат Бобоқулова, Розия Қосимова, Саодат Жўрақулова, Муҳайё Асламова каби кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчиларни ёшлар меҳрини қозонган устозлар десак янглишмаймиз.

Эшмирза МАҲМУДОВ

Taqdimot

МЎЪЖАЗ КИТОБ ҲАҚИДА ИЛИҚ ФИКРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — Ватаним маним" шиори остида махсус кўрик-танлов ўтказиб, ғолиб чиққан энг сара қўшиқлардан учта тўплам нашр қилди. Бу тўпламлар республика мактабларида, педагогика билим юртлари, коллежларда кенг тарқалиб, ўқув қўлланма ва дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда. Куни кеча РТМда ана шундай қўлланманинг тўртинчи китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда РТМ методистлари, таниқли шоирлар, бастакорлар, амалиётчи муаллимлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тақдимот аввалида РТМ директори муовини Муҳаббат Абдураимова "Мўъжаз китоб ва анъанавийлик", муаллиф ва тўпловчи Надим Норхўжаев "Ўзбекистон — Ватаним маним" 4-китобининг маърифий аҳамияти", бастакор Ҳабибулла Раҳимов "Мусиқа таълими ва миллий мафкура" мавзуларида маъруза қилишди.

Тақдимотда таниқли шоирлар, амалиётчи ўқитувчилар билдирган ижобий фикрлар ҳам нашр нуфузини белгилади, десак хато бўлмас. Иштирокчилар саралаб олиниб, чоп этилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" китоби ўғил-қизларни ҳаётга тайёрлайдиган дарсликлардан бири бўлганлиги ва у ўқув қўлланма шаклида тузилганлигини ҳам қайд этдилар.

Тақдимотда "Биргаликда куйлаймиз" телекўрсатувини қайтадан тиклаш, ушбу китобни яна 15 минг нусхада чоп этиш, яратилажак китобларни янги ўзбек алифбосида нашр этиш, тақдимотларни болалар боғчаларида, мактабларда ўтказиш каби таклиф ва мулоҳазалар айтилдики, булар ҳаммаси ўринлидир. Негаки, болалар учун ёзилаётган адабиётлар ҳали ҳам етарли даражада эмас. Зотан, ўғил-қизларга мафкура, Ватан туйғуси, миллий ғурур сингари тушунчалар китоб ва мутолаа йўли билангина сингдириб борилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги "Булбулча" болалар ансамбли аъзолари "Онажон, Ўзбекистон", "Капалак ва камалак", "Наврўзжон" каби янги қўшиқларни ижро этишди. Ўғил-қизлар куйлаган бу қўшиқлар йиғилганлар қалбида қандайдир ажиб туйғулар уйғотди. Бу туйғу она-Ватан, она-замин ҳақидаги мўъжизавий куй эди, гўё...

Хуллас, Халқ таълими вазирлиги ва Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида яратилган ушбу китобдан жой олган қўшиқлар шу тариқа қалбингизни забт этади. Зеро, унинг ҳам болажонлар, ҳам катта ёшдагилар маънавий дунёсини бойитишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратда: "Ўзбекистон — Ватаним маним" 4-китоби тақдимотидан лавҳа акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Taqriz

НАВОИЙГА БИР НАЗАР

Филология фанлари номзоди, Бухоро Давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг доценти Шавкат Ҳайитовнинг "Матн — мазмун асоси" қўлланмаси ушбу университет нашриётида чоп этилди.

Мазкур услубий қўлланма "Маҳбуб-ул-қулуб" нашрлари ва айрим қўлёзма нусхалари асосида асар матнини тўлиқ қиёсий урганишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қўлланманинг илк боби "Алишер Навоий "Маҳбуб-ул-қулуб" асарининг жорий ёзувдаги нашри ва унинг қиёсий таҳлили" деб номланган. Муаллиф мазкур бобда асарнинг 1966 йилда филология фанлари доктори, профессор П. Шамсиев томонидан чоп этилган оммавий нашрини академик А. Кононов томонидан 1948 йилда тайёрланган йигма матни билан қиёсий урганади.

Тадқиқотчининг ҳар иккала нашрдаги ютуқ ва нуқсонларни матншунослик нуқтаи назаридан тасниф қилиши ва ҳар бир масалани алоҳида мавзулар билан таҳлил қилиши услубий қўлланма табиатига мос келади. Демак, бу талабаларнинг китобдан фойдаланишларида енгиллик туғдиради.

Қўлланманинг иккинчи боби "Маҳбуб-ул-қулуб"нинг Бухоро қўл ёзмаси" деб аталган. Мазкур бобда муаллиф асарнинг Бухоро санъат музейи хазинасида 27780-рақами билан сақланаётган нусхасига илк марта мурожаат қилади. Қўлёзманинг яратилиш тарихи, мундарижаси, курсаткичлари ҳақида ихчам ва аниқ фикр юритадики, бундай маълумотлар матншунослик йўналишидаги махсус курсларда талабалар урганиши учун жуда муҳимдир.

Рисолада "Маҳбуб-ул-қулуб" янги нусхасининг афзалликлари, янгиликлари турт қисмга ажратилиб, ҳар бири алоҳида сарлавҳачалар остида чуқур таҳлил қилинган. Қўл ёзманинг хусусиятлари уни асарнинг 1948 йилда эълон қилинган йигма матни билан қиёслаш воситасида очиб берилган.

Адабиётлар руйхати анча мукаммал тузилган. "Адабий манбашунослик ва матншунослик", "Қўл ёзмалар матни нашрларини тайёрлаш", "Шарқ поэтикаси" махсус курсларида талабалар ушбу қўлланмадан фойдаланишмоқда.

Ишнинг илова қисмидаги жадваллар, маълумотлар қўлланманинг илмий-услубий савиясини яна бир карра оширган.

Ҳасан НАЗАРОВ,
Ҳадия БЎРОНОВА,
тадқиқотчи ўқитувчилар

Magistratura

БАКАЛАВРИАТДАН КЕЙИН...

Магистрларни тайёрлаш тегишли ихтисосликлар бўйича давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

Магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи алоҳида ихтисослик бўйича олий таълим муассасаси илтимосномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг хулосасига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилади.

Магистр муайян мутахассислик бўйича чуқур замонавий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, шу соҳа бўйича мустақил амалий фаолият кўрсатиш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга тайёр шахс бўлиши керак.

"Магистр" — инглизча сўз бўлиб, ўз соҳасининг устаси деган маънони билдиради. Магистр бакалаврдан фарқли ўлароқ, маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассисдир.

Магистратурада таълим олиш ҳуқуқи таянч олий маълумотга эга бўлган, яъни бакалавриатни битирган шахсларга, шунингдек, анъанавий беш йиллик олий маълумотга эга бўлган дипломли мутахассисларга берилади. Магистратурага қабул тегишли Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Магистратурада ўқитиш мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган давлат грантларига мувофиқ Республика бюджети ҳисобидан ва жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган пуллик шартнома асосида амалга оширилади.

Хўш, магистр тайёрлаш ҳуқуқи водий вилоятларида қандай йўлга қўйилмоқда? Наманган муҳандислик-педагогика институти 1999-2000 ўқув йилида илк бор магистратуранинг 9 та, менежмент, солиқ ва солиқ солиш, консервалаш технологияси, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, деҳқончиликни механизациялаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг ташкилий йўналишларини очди. Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан келган ёшлардан институт қабул комиссиясига 200 дан ортиқ ҳужжат тушди. Олий ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган, чуқур билимга эга бўлган иқтидорли ёшлардан 60 нафари танлов асосида магистратурага қабул қилинди.

Магистрларни ўқитиш учун энг малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилган, уларнинг ўқишлари, мустақил таҳсил олишлари, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш учун етарли шароитлар яратилган.

Ҳозирда олий ўқув юртлари учун хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш имкониятлари яратилди. Бу эса талабалар, магистрлар ва аспирантлардан чет тилларни мукаммал билишни, замонавий интернет тизимида бемалол ишлай олиш кўникмаларини талаб қилмоқда. Шу муносабат билан ўқув режаларидаги фанлардан ташқари, ректорат ташаббусига кўра бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан магистрларни чет тили ва интернет, электрон почта асосларини чуқурроқ ўрганишлари учун махсус курслар ташкил этилди.

Шу йилнинг январ ойида ЮНЕСКО Олий таълимни қўллаб-қувватлаш халқаро маркази ва "Устоз" Республика жамғармаси ҳамкорлигида институтимизда "Интернет тизими ва Веф саҳифалари яратиш" мавзусидаги семинар ўтказилди. Семинарда 20 нафар магистр ва 3 нафар ўқитувчи қатнашиб, тегишли сертификат олишди.

Магистрларнинг илмий-тадқиқот, илмий-техника, илмий-педагогик амалиётларни ўтказиш учун республикамизнинг етакчи олий таълим муассасалари, академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ташкилотлари, корхоналар билан икки томонлама шартномалар тузилди. Амалиётлар тузилган шартномалар асосида ўтказилади.

Тоштурғун ЭРГАШЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, профессор.
Раҳматилла РУСТАМОВ,
Магистратура декани, доцент

Оппоқ кеча, бедор кўксимни тилиб,
Энг гўзал шеъримни ёзиб чиқаман.

Афсуски, пардозхонада йигитчанинг юзидаги бўёқларни кетказиш учун бўлган саъй-ҳаракатлар самара бермади.

Respublika ijodkor o'qituvchilarining an'anaviy anjumani oldidan

БЎЛАЙИН БИР УМР СЕН КУТГАН БАҲОР

АЙЛАНУР

(Нодирабегимга)

Санинг ишқинг гул ила хаёлларга айланур,
Меҳринг юракка жо бўлиб уммонларга айланур.
Садоқатдан сўйлабон гулзорингни яратиб,
Оғушида куйлаб булбул, нолаларга айланур.
Оразиндан нур кўринур гўё меҳроб чоҳидан,
Гул-гул бўлиб чаманларинг лолаларга айланур.
Нодиранинг назми дўстлар, чароғ бўлиб,
Кўнгилларни эритгувчи наволарга айланур.

Орзигул МАТҚУРБОНОВА,
Яккасарой туманидаги 127-мактаб ўқитувчиси

ОППОҚ КЕЧА

Мажнунтол оҳиста сочин тарайди,
Оппоқ кеча. Ҳилол кўзгуга боқиб,
Бир гўзал йўлимга илҳақ қарайди,
Соғинчдан юракка сирғалар тақиб.

Оппоқ кеча. Менинг оппоқ оҳимни
Келинчак сукунат туғади инграб.
Соғиниб қоламан кўнгил моҳимни,
Сухандон юлдуздан эртаклар
тинглаб...

Хаёл қурғур олиб кетар кўп узоқ,
Орзуларим унга чўкадилар тиз.
Кўз олдимга келар тинчгина қишлоқ,
Сув сепиб, ҳовли супураётган қиз.

Севгимни хаёлан бир сармаст бўлиб,
Ўшал қиз йўлига тизиб чиқаман.
Оппоқ кеча, бедор кўксимни тилиб,
Энг гўзал шеъримни ёзиб чиқаман.

Жамшид ҲАҚБЕРДИ,
Китоб туманидаги Амир Темур номли мактаб ўқитувчиси

* * *

Юрагимда соғинч ва ўкинч,
Болалигим, қайдасан, қайда?
Қад кўтардим мисли мажнунтол,
Изларингни йўқотган жойда.

Кўрмаганман, жуда кўп бўлди,
Сочларида капалак қизни.
Шўхликларим каби бўй чўзиб,
Нигоҳимда ўсган ялпизни.

Мен чарчадим, катта бўлишдан,
Болаликка қайтгим келади.
Ёлғон-яшиқ чўпчакларимни,
Кулиб, йиғлаб айтгим келади.

Сенга чўзсам етмайди қўлим,
Кимга айтай, айтгин зоримни.
Юрагимдан тўкиб солардим,
Бисотимда борим-боримни.

Унутганман, ҳатто кулишни,
Айрилганман, сендай дуримдан.
Ўша битта кулгинг-чун сўзсиз,
Мен кечардим қолган умримдан.

Манзура ТЎРАЕВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси

* * *

Агар қуёш бўлсанг, сочган нурингдан,
Жизғанак ёнмоқни истар жаҳоним.
Тун кўрки-ой бўлсанг, совуқ қаърингда
Музласин оташга айланган жоним.
Тоғ каби буюксан, оғушинг сангзор,
Истасанг бошингда қорга айланай.
Бўлайин бир умр сен кутган баҳор,
Бодом гулидаги зорга айланай.

Турсуной ЙЎЛДОШЕВА,
Шофиркон туманидаги 46-мактаб муаллимаси

Болаларни ҳамма яхши кўради. Сабаби, уларнинг тозалиги, беғуборлиги, самимияти ўзгача. Аммо, ҳамма ҳам улар билан ишлай олмайди. Бунинг учун самимий қалб керак.

Шеър болага ўхшайди. Ҳайратлар оғушидаги болага. Ҳамма ҳам шеър ёзавермайди. Бунинг учун севиш, севиш ва яна севиш керак— барча гўзал нарсаларни, дунёни, одамларни, болаларни...

Муаллимлик — энг савобли касб. У болалар билан ишлайди.

Шоир — кўнгиллар билан тиллашади. Ҳайратланади, ҳайратлантиради, тарбиялайди.

Муаллим шоир бўлсачи? Аслида ҳам шундай бўлиши керак: муаллим — шоир, шоир—муаллим.

Баҳорнинг айни авжида, 4-6 май кунлари Паркент туманида Республика ижодкор ўқитувчиларининг навбатдаги анъанавий анжумани бўлиб ўтади. Эътиборингизга анжуман иштирокчилари ижодидан намуналар ҳавола қилаётирмиз.

САДОҚАТ

Ҳикоя

Тушақда ётган Хурсанд холани "чилёсин" қилишмоқчи. Чилладан чиқиш ёки чиқмаслик ҳеч кимга аниқ бўлмасада, холанинг ўзига маълум эди. Ётган жойида мотам маросимига йиғилиб ўтирган аёлларни кўз олдига келтирди. Эшитишига қараганда, хотини ўлган эркак, таъзияга келган аёллар орасидан хотин танлар эмиш. Оқ рўмол ёпинган аёллар хаёлидан кўтарилиши билан қизи йўқлиги ёдига тушиб кетарди. "Ўлсам мени ким йўқлаб йиғлайди?" Хола армон билан кўзига ёш олди. Унинг бу дунёда битта-ю битта армони бор. Ўғиллари бўлгани билан қизи йўқ. Келинларини эса қиз урнида кўрмайди. "Кунглига келади" ҳам демасдан тўғридан-тўғри юзига айтаверади. "Келиннинг қайнонага қуйиб йиғлаши, эшакнинг ҳанграши" дейилади. Холанинг бу сўзларини эшитган биродарлари гоҳида кулишса, гоҳида ачинишади. Холанинг ўзигаўзи кафан бичиб қўйганига ҳам анча бўлди. Кафан орасига игна, ип, ҳатто қайчи ҳам солиб қўйган. Сабабини суриштирганда қизи йўқлигидан қуйиниб гапиради. Сандиқда сақланавериб сарғайиб кетган кафанни кўрган аёллар холага ҳазиллашади. Хурсанд хола уларнинг гапига парво қилмас эди. Хола исми жисмига мос. Доимо қувноқ. Бир гапириб ўн куларди. Сочи оқариб кетган эрини эса ҳаммадан қизғониб рашк қиларди. "Севги бобида мен Отелломан" деб ҳаммани кулдирар эди. У дунёдан кетар чоғида ҳам фақат кутаяпти. Бердимурод ака кириб, розилик берса бас, хола ҳам эрига васиятни айтиб, бандаликни бажо келтирмоқчи. Афсуски, эри хотининнинг олдига келмайди. Негаки улар неча йиллардан буён бир-бири билан гаплашмайди. Бир ҳовлида яшаган билан икки хонада туради. Боисини холадан суриштирганда "урушиб қолганмиз" деб жавоб берарди. Урушишга эса уша рашк сабабчи бўлганди.

Хотинлар ҳам атайлаб холанинг жигига тегарди. Нимадир сабаб бўлиб тўйга бормай қолса дарров "совуқ хабарни" етказарди. "Эрингиз артистга унча пул ёпиштирди, мунча пул қистирди".

Шу пайт холанинг ўзи бутун кўринса ҳам ичи тутунга тўлиб кетарди. Қанчалик кўйиб кетса ҳам, ҳасратидан "ҳил" чиқармас эди. Иложи борича тўйдан келмасликка ҳаракат қиларди.

Уша йили қишлоқда кимдир тўй қилган эди. Даврада ўтирган Бердимуроднинг ёнига рақҳоса келиб ўйнайверди. Бердимурод аввалига эътибор қилмади. Рақҳоса эса унинг у ёнига утди бўлмади, бу ёнига утди бўлмади. Охир-оқибатда дўпписини олдида бошига кийиб олди. Иложсиз қолган Бердимурод рақҳоса учун эмас, дўпписини олиш учун чўнтагига қўл солди. Пулни узатиб, дўпписини кийишга ҳали улгурмаган эди, даврага Хурсанд хола югуриб келди-да, рақҳосанинг кесилган сочига ёпишди... Ер ёрилмади-ю Бердимурод ака кириб кетмади. Бечора номусга чидай олмай тўйдан кетиб қолди. Тўй тугаши билан Хурсанд холанинг уйида можаро бошланди...

Шу воқеага неча йил булгани холанинг ёдида йўқ. Боши ёстиққа тегиб энди эслаяпти: — Ун йил бўлдимикин? Ундан ҳам кўп бўлди. У пайти кенжа ўғли мактабга бормас эди. Мана мактабни тугатганига ҳам икки, уч йил бўлди. Эрим билан гаплашмаганимга тахминан ун беш (аниқ бўлса ундан ҳам кўп) йил бўлибди. Ун беш йил. Айтишга осон. Шурлик эримнинг шунча йиллик умрининг уволига қолдим. Бу учун мени кечирармикин. Гуноҳимни ювиш учун нима қилсам экан?

Хола оғир уйга толди. Уйлабуйлаб эрига васият қилишни лозим топди ва Бердимурод акани чақиртирди. "Келмайди" деб уйлаганди. Йўқ, аксинча эри юриб эмас, югуриб келди. Шунда холанинг юраги тез-тез урриб кетди. Кўзларида кувонч ёшлари пайдо бўлди. Бердимурод ака хотининнинг юзларидаги ёшларини секингина артиб қўйди. Шишиб кетган оёқ-қўлларини меҳрибонлик билан силади.

— Хўжайин, — деди хола ўксиб, "Уламан" дея олмай: — Мени мазам йўқ, — деди.

— Яхши бўлиб кетасан.

— Йўқ, тушумга эгарланган от кирди. Бу шунчаки жун от эмас, ёғоч от. Ўлимимни аён қилаяпти.

Хола шундай деб йиғлаб юборди. Бердимурод аканинг юраги эзилиб кетди. Хотинини юпатди. — Тушга нималар кирмайди.

— Хўжайин — деди хола эрининг қўлларини маҳкам қисиб, — мени кечиринг.

— Нега?

— Сизнинг олдингизда гуноҳкорман. Шу гуноҳимни ювиш учун сизга бир нарсани васият қилмоқчиман.

— Нимани? — ажабланиб суради эри.

— Ун беш йил нафсингизнинг уволига қолдим.

— Ундай дема. Сенинг буйи-бастингни кўриб юриш ҳам мен учун катта бахт.

— Раҳмат. Энди уйланинг.

— Йўқ, — деди Бердимурод кескин оҳангда. — Сен тирик экансан мен...

— Хўжайин мен яқинда...

— Совуқ гапларни гапирма. Ҳали соғайиб кетасан. Кенжа ўғлимизни ҳам уйлантирамиз, — Кечирасан, — деди Бердимурод кулиб, — кенжа ўғил дебман. Ҳали яна ўғил кўрамиз. Отини Олтмишбой қўямиз. Олтмишбойга суннат тўй қиламиз.

Холанинг сулиб бораётган кўзлари бироз ёришди.

— Йўқ, ўғлимнинг тўйи менга насиб қилмайди.

... Хурсанд холанинг гаплари тўғри чиқди. Келин куриш ҳақиқатдан ҳам холага насиб қилмаган экан.

Бердимурод ака ўғлини ёлгиз ўзи уйлантирди. Хотининг ҳурмати учун ҳам васиятини бажармади. Аниқроғи бажара олмади. Хотинига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати бунга ҳеч қачон йол қўймас эди.

Донахол АСРОРОВА,
Оқдарё туманидаги 30-мактаб муаллимаси

Xullas...

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Биздан жуда олис бир мамлакатда Пол Огюст Бланшар деган ўн икки яшар бола юзига ниқоб қоплаб, мактабга кириб келганида, тенгқурларининг ҳайратдан оғизлари очилди. Томошанинг зурини намойиш этган Пол анчадан буён "боевик", "ужас"ларнинг таъсирида юрар, ҳаттоки бир неча кун аввал тушида узини Камбоджа чакалакзорларида аскар қиёфасида кўрган эди.

Муъжиза-ку зўр бўлди... Аммо кечқурун уйга қайтгач... ниқоб боланинг юз терисига буткул сингишиб кетибди. Эртаси куни косметологга мурожаат қилишларига тўғри келди. Афсуски, пардозхонада йигитчанинг юзидаги бўёқларни кетказиш учун бўлган саъй-ҳаракатлар самара бермади. Дерматологнинг уринишидан ҳам нажот йўққа ўхшайди. Унинг фикрича, юзга чапланган қора бўёқ кучли қоришма бўлгани боис бора-бора боланинг елка қисмига ҳам тарқалиши мумкин эмиш.

Оббо, боласи тушмагур, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйди-ку. Орзуга айб йўқ-а, лекин купчиликка хуш келмайдиган орзунинг оқибати ҳам фожиа экан-да...

ШИФО ИСТАБ ҚАМОҚҚА

Суд! Қора курсида 34 ёшли Сергей Самойлов! У одам эмас, мушук ўлдиришда айбланмоқда.

Ҳа, жабрдийда оёқ тираб туриб олгач, айбдорни жазоламай қўйиш Россиядаги мавжуд тартиб-қоидаларга зиддир.

Сергей аслида мушук эмас, хонаки ит ислаб, кўчага чиққан, нафас йўлларидаги сурункали хасталикни ит гўшти билан даволамоқчи эди. Мушук рўпарасидан чиқиб қолгач, таваккал дея, унинг бўғзига пичоқ урди-да, пишириб еди.

Кимдир бу ҳақда мушук соҳибасига "информация" етказибди шекилли, бўлди жанжал, бўлди можаро! Уй бекасига ҳам «эрмаги»дан айрилиб қолиш алам қилдида.

Хуллас, куриб турганингиздек Дзержинск шаҳар судида Сергей Самойловнинг "иши" кўрилмоқда. Кечирим сураш, жарима тўлаш ҳақидаги таклифлар жабрдийдага маъқул келмади. Суд ҳайъати Сергейга шартли равишда икки йил қамоқ жазосини уташ ҳақида ҳукм чиқарди.

БЕКАТДАГИ ТЎЛҒОҚ

Новосибирскдаги автобуслардан бирида ҳомиладор аёлнинг сумкасига ўғри ёпишди. Шурликнинг бунга кучи етмай, автобусдан зўрга тушди, ўғрининг кетидан югуришга куч-қуввати етмади. Шу заҳоти тўлғоқ азоби бошланиб қолди денг. Икки дунё бир қадам, энди нима булади?

Яхшиямки, бу дунёда ўғрилар билан бирга тўғрилар ҳам бор.

Булгуси она зудлик билан туғруқхонага келтирилди ва эсон-омон кўзи ёриди.

Табиийки, бечора аёл ўзига келиб, сумкасини, ундаги пул ва бошқа майда-чўйдаларини эслади. "Ўзингиз омон қолсангиз, шунисига шукр!" дейишди шифокорлар.

Чиндан ҳам жоннинг омон қолгани муҳим.

ДОЦЕНТ ПОРА ОЛДИ...

Россия молия институтининг Тульскдаги филиали доценти Леонид Ермак ўз талабасидан 4400 рубл пора олиб, жонига «оро» кирган эди. Аммо кўп ўтмай, бу жанобнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Яъни сири фош бўлди.

Янги квартирасига мебел олишни мўлжаллаётган доцент беш йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилинди.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Осиё чемпионати финал босқичига қуръа ташланди: "А" гуруҳи — Ливан, Ироқ, Эрон, Таиланд. "В" гуруҳи — Жанубий Корея, Хитой, Қувайт, Индонезия. "С" гуруҳи — Саудия Арабистони, Япония, Қатар, Ўзбекистон. Футболчиларимиз биринчи ўйинни 14 октябрь куни Қатар терма жамоаси билан ўтказади.

ҒОЛИБГА — "ЖИГУЛИ"

Нукусда бўлиб ўтган кураш бўйича Сапалоқ полвон Шомуротов хотирасига бағишланган халқаро турнирда Марказий Осиёнинг 100 дан ортиқ полвонлари иштирок этди. Турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлган қорақалпоғистонлик Мурод Болтаевга "Жигули ВАЗ-2106" автомашинаси калитини Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов топширди.

АЛМАШУВЛАР

"Зарафшон"нинг бош мураббийси Валерий Лёткин раҳбарлар билан молиявий масалада келиша олмай клубни тарк этди. Уни Рауф Инилеев ўрнига "Металлург"га бош мураббийликка таклиф қилишди. "Кимёгар"ни тарк этган Геннадий Денисов "Пахтакор"га Иванковга ёрдамчи бўлиб ўтди. "Гулистон"га эса Бахтиёр Ғафуров ўрнига Фарҳод Магомедовни бош мураббий қилиб тайинлашди. "Семурғ"ни олий лигага олиб чиққан устозлари — Рафаэл Фабарисов қайтди.

БУНАКАСИ БЎЛМАГАН ЭДИ

Хитойда бўлиб ўтган эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида иштирок этган 8 полвонимиз 8 медални қўлга киритишди — 5 олтин, 2 кумуш, 1 бронза. Шу пайтгача мамлакатимизнинг бирорта ҳам миллий жамоаси бундай муваффақиятга эриша олмаган эди. Курашчиларимиз Сидней олимпиадасига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

9-ТУРДАН СЎНГ

Дарвозаларга 229 тўп киритилди. Ўртача бир ўйинда 2,6 тадан. Ҳакамлар футболчиларга 293 бор сариқ карточка кўрсатишди. 15 ўйинчи майдондан четлатилди. Ўтказилган 88 ўйинга 787000 томошабин ташриф буюрди. Ўртача 8943 тадан.

maydonchasi

Quvnoq startlar

"ОҚОЛТИН" ФИНАЛГА ЧИҚДИ

XVII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг ярим финал учрашуви қатнашчилари — Бухоро вилояти Когон туманидаги 15-ўрта мактабнинг "Орзу" ҳамда Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 5-ўрта мактабнинг "Оқолтин" командаси аъзолари олтин медаль учун курашни давом эттириш мақсадида майдонга тушишди. Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг спорт залига йиғилган спорт ишқибозлари бир-бирига муносиб икки команда аъзоларининг муросасиз курашлари гувоҳи бўлишди.

Дастурнинг биринчи учрашуви "Қирқ тош" мусобақасида иштирок этган ўқувчилар (8 ўғил ва 8 қиз) тезкорлик ва чаққон ҳаракатда муносиб "рақиблар" эканликларини кўрсатишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар икки командага 2 баллдан беришга қарор қилишди.

Конкурсни қўшиб ҳисоблаганда, ўн битта дастурдан тўрттасида дуранг натижа қайд этилди (конкурсда 1 баллдан, қолган ўйинларда 2 баллдан берилди).

Иккинчи беллашувда ("Мокисимон сакраш") "Оқолтин" командаси ғолиб чиқиб, 3 балл соҳиби бўлди. "Орзу" эса 1 балл олди. "Қовун полизда" мусобақасида дуранг натижа қайд этилди. Тўртинчи учрашувда ("Бўрон") "Орзу" ғалаба қозониб, ҳар икки команда 8 тадан балл тўплади.

20 нафар ўқувчи иштирок этган "Ўрин алмашиш" мусобақасида сирдарёликлар маррага биринчи бўлиб келишди. Лекин улар йўл қўйган хатолар ҳисобга олиниб, бир балл олиб ташланди ва дуранг (2:2) натижа қайд этилди.

Мусобақанинг беш учрашувидан сўнг командалар 10 баллдан тўплашди. Шундан кейин кураш янада муросасиз тус олганининг гувоҳи бўлдик. "Отишма" (рақибга тўп отиб майдондан чиқариб юбориш) мусобақасида "Оқолтин" командаси 2 балл (1 та жарима очкоси олиб ташланди), "Орзу" командаси 1 балл олди.

"Оқолтин" командаси аъзолари кейинги уч беллашувда ("Чаққон болалар", "Аралаш эстафета", "Арқон тортиш") ғолиб чиқишди, "Орзу" командаси эса "Улоқ" мусобақасида ютуққа эришди. Қизғин ва ҳаяжонли ўтган учрашувда 23:18 ҳисобида ғалаба қозонган "Оқолтин" командаси аъзолари финалда республика чемпиони бўлиш учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Тартибли ва дўстона руҳда ўтган мусобақа қатнашчиларига Халқ таълими вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Замира Ишмуҳамедова Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтининг санаторий-профилакторияси ошхонасида ўн йилдан буён ошпаз бўлиб ишлайди. Барча уни қўли ширин пазанда деб атайди. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Замира опа ўз ишини жуда севади, ҳар бир таомни меҳр билан тайёрлайди. Озода, саришта ошпаз опа ҳар бир хўрандага ширинсуханлик билан муомалада бўлади. Санаторий-профилакторияда дам олувчилар Замира опанинг дилкашлиги, меҳрибонлиги, пазандалиги учун у кишидан жуда миннатдор.

Суратда: Замира Ишмуҳамедов иш устида.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Очиқ Жамият Институти

кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "Бола ҳуқуқлари бўйича 5—7-синф ўқувчиларига мўлжалланган машғулотлар" танловини эълон қилади

Машғулотларга қўйидаги талаблар қўйилади:

— машғулотнинг мақсади ва вазифаларининг мавжудлиги;

— материални ўзлаштиришда интер фаол усулларни қўллаш;

— ёшга оид бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда матннинг тушунарли бўлиши;

— машғулот давомийлиги 40-45 дақиқа.

Ўқитувчилар, рассомлар, болалар ёзувчиларини танловда иштирок этишга таклиф қиламиз. Машғулот мавзуси эркин. Тили: ўзбек, рус тилларида.

Қўшимча маълумот олиш учун "Ўрта маълумот" дастурлари координатори — Натэла Фарсиянцга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишингиз мумкин:

Зарбоғ кўчаси, 31-уй, 700031, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон.
Телефон /факс: (3712) 1523698, (3712)1523915, (3712) 1523916
Email: natelaaosi. Freenet. Uz

Аризалар қабул қилиш муддати: 2000 йилнинг 15-июнигача.

QUTLOV

Муҳтарам Абдураҳмон Қулмирзаев!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Педагогик фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлсин. Ҳамиша соғлик, хотиржамлик сизни тарк этмасин.

Самарқанд молия коллежи жамоаси ҳамда фарзандларингиз

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Режа ва Молия бош бошқармаси молия булими бошлиги Аҳаджон Раҳмоновга қайин отаси **Ускан ота ШАКАРОВ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Беҳбуд БОТИРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-377. Тиражи 36.285. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.